O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI

Юксак ғалла хирмони эл-юрт дастурхони тўкинлигига, Ватанимизнинг янада обод ва фаровон бўлишига хизмат қилади.

SHU AZIZ VATAN — BARCHAMIZNIKI

O'ZBEKISTON OVOZI

O'ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI

IJTIMOIY-SIYOSIY GAZETA

• 2007-yil • 17-iyul • Seshanba • 83 (27.728) • www.uzbekistonovozi.uz • 1918-yil 21-iyundan chiqa boshlagan

Маҳсулот — ўзимизники, Ўзбекистонники!

«НИСОТЕКСТИЛ»

ЮКСАК ТЕХНОЛОГИЯЛИ ХУСУСИЙ КОРХОНА

— Замонавий юксак технологияларга эга саноат тармоқларини ривожлантиришга қаратилган таркибий ислоҳотлар моҳиятидан келиб чиқиб айтадиган бўлсак, — дейди **Тошкент вилояти, Зангиота тумани, Хонобод қишлоқ фуқаролар йиғинининг «Наврўз» маҳалласида жойлашган «Нисотекстил» хусусий корхонаси раҳбари Роқия Ҳабиалиева,** — бугунги бозор ва очиқ иқтисодиёт шароитида кооперация ҳамда ҳамкорликни мустаҳкамлаш — изчил ривожланишнинг муҳим омили. Бу айниқса, мамлакатимиз саноатининг етакчи тармоқлари (автомобилсозлик, самолётсозлик, қишлоқ хўжалиги машинасозлиги, электроника, озиқ-овқат, енгил саноат, фармацевтика, қурилиш материаллари саноати) сингари тўқимачилик саноатида ҳам катта имкониятлар очмоқда.

— Мана, масалан, — давом этди у, — бизнинг корхонамиз асосан 100 фоиз пахта толали болалар кийимлари ишлаб чиқаради. Ҳозир уларнинг тури 250 тадан ошди. Ҳолбуки, шундай кенг ассортиментдаги маҳсулотни бор-йўғи 40 нафар ишчи кучи билан тайёрлаяпмиз. Бу — биринчи галда, боя айтганимдек, замонавий юксак технологияли линияларни муваффақиятли ишга сололганимиз самараси...

Корхона раҳбари яна шуни алоҳида таъкидладики, эндиликда қишлоқ жойларида ихчам, юксак унумли технологиялар билан жиҳозланган кичик корхоналарнинг вужудга келиши, бу — Мустақиллик шарофати. Ана шу шарофат туфайли қишлоқларда нафақат саноат корхоналари пайдо бўлаяпти, айни чоғда бу ерларга сармоя кириб келаяпти ва янги иш ўринлари ҳам яратилаяпти. Пировардида, хусусий тадбиркорлик — одамларнинг таянчи ва суянчига айланмоқда...

Замон АЛИ

Суратларда: корхонанинг илғор тикувчиси Гулмира Камолова; тикув цехида.

Козим ЎЛМАСОВ олган суратлар.

Яхшиликнинг мукофоти — яхшиликдир

«ЮРТБОШИМИЗ МЕНИНГ НОМИМНИ ТИЛГА ОЛГАНЛАРИДА ЙИҒЛАБ ЮБОРДИМ»

— ДЕЙДИ САКСОННИ ҚОРАЛАБ ҚОЛГАН БЎЛСА-ДА, ҲАМОН БОЛАЛАРГА ҚУВОНЧ УЛАШИБ ЧАРЧАМАЁТГАН ЖАҲОНГИР ОТА

«...Нуроний отахон — Тошкент шаҳар, Шайхонтоҳур туманида яшовчи Жаҳонгир Усмонов ўзининг 8 миллион маблағи ҳисобига болалар спорт майдончаси қуриб берган».

(Президент Ислом КАРИМОВнинг Конституциямизнинг 14 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузасидан)

«ЭСИМИЗДА ЮРТБОШИМИЗ БУНДАН ЕТТИ ЙИЛ МУҚАДДАМ КАТТА БИР ЙИҒИНДА ТАШАББУСКОРЛИК ВА БУ ИНСОНИЙ ФАЗИЛАТНИНГ ҚАДРИЯТЛАРИМИЗГА, ҚОЛАВЕРСА, САВОБЛИ ИШЛАРГА ДАХЛДОР ХУСУСИЯТЛАРИНИ ТАЪРИФЛАБ, БУТУН ХАЛҚИМИЗНИ АНА ШУНДАЙ ЯРАТУВЧАНЛИК РУҲИДА ИШЛАШГА ВА ЯШАШГА ДАЪВАТ ЭТГАН ЭДИЛАР. ВА АЙНАН БУГУН БИЗ ҲИКОЯ ҚИЛАЁТГАН ҚАҲРАМОНИМИЗНИНГ ЎЗ МАҲАЛЛАСИДА АМАЛГА ОШИРГАН ИБРАТЛИ ИШЛАРИ ҲАМ АНА ШУ ЧОРЛОВГА МУНОСИБ БИР ЖАВОБ БЎЛДИ, ДЕСАК ЯНГЛИШМАЙМИЗ.

Салоҳиддин ҚУРБОНОВ, «ИЛ-86» ҳаво кемасининг собиқ муҳандиси:

— 2003 йилнинг 24 марти эди. Узоқ сафардан қайтиб, уйда дам олаётувдим. Кўчага чиқсам, ахлатхона ёнида Жаҳонгир ака турган экан. Кўришдик-сўрашдик. Кутилмаганда ўзи гап очди: «Салоҳиддин ука, мен шу жойни обод қилмоқчиман. Биламан, ишингиз кўп. Лекин менга далда бериб, ёнимда турсангиз бўлди. Қолган ишларни ўзим эплайман.» Тўғриси, бу таклифни эшитиб, аввалига ҳайрон бўлдим. Негаки ҳазилакам иш эмас эди. Сездим, у кишининг аҳди қатъий, қайтариб бўлмайди. Ўша куни ёнимизда Усмон ака раҳматликнинг ўғли Илҳомжон ҳам бор эди. Унга ҳам бу гап маъқул бўлди, шекилли, «мен ҳам сизларга ёрдам бераман, бу аҳволда кечасиям-кундузиям туриб бўлмай қолди», деди у. Соат ўн бирларда Жаҳонгир ота билан гаплашган бўлсак, пешинга яқин бульдозер олиб келиб, шу ерни сурдира бошладик. Кейин кўча томондан уч метр жой қолдириб, ўқариқ олдирдик. Чунки олдин ахлатхона катталиги сабабли кўчаям торайиб кетганди-да. Эртаси куни эса Чорсудан юз саксонта мирза терак кўчатини олиб келиб, чиқиндихона атрофига эка бошладик...

Шу кундан бошлаб Жаҳонгир отанинг ороми бузилди. Ўзи тенги кексалар бўлса пичинг қилди: «Бир ёшинг етмишдан ошган бўлса, нима қиласан бошингни қотириб. Маза қилиб, дамингни олиб, намозингни ўқиб, чойхонада ош еб ётмайсанми?» Отахон ҳеч кимга қулоқ солмади. Қайтанга эрта саҳарда ёнига Салоҳиддин Курбонов ва Илҳомни олиб чиқиб кетарди. Кун бўйи турли идораларга бориб, чин маънода кўпчиликнинг «бошини қотиришди». Аксарият раҳбарлар бу нуроний кексанинг бошлаб қўйган хайрли ишини эшитиб, чин дилдан кўмаклашишди. Икки-уч кун орасида аввалги чиқиндихонадан номнишон қолмади.

Бахтиёр СУЛТОНОВ, «Камолон» маҳалласи оқсоқоли:

— Кўп нарса одамнинг ўзига боғлиқ экан. Жаҳонгир ака шу ташландиқ жойни обод қиламан, деб иш бошлаганида, очиғини айтаверай энди, менам ишонмаганман. Чунки бу ернинг аввалги ҳолатини айтиб берсам, қўрқиб кетасиз... Неча ўн йиллар давомида чиқиндихона бўлиб келган майдонни тозалаш, обод қилиш икки-уч одамнинг қўлидан келмайди, деб ўйлашарди. Йўқ, кексалигига қарамай, елди-югурди, бировни болам деди, бошқани ука деди, роппа-роса уч ой деганда бу махсус майдонча тайёр бўлди.

2-бет

«БУ ЕРДАН НАФАС ОЛМАЙ ЎТАРДИК»

Шу гапни қадим «Камолон» маҳалласининг катта-ю кичигидан кўп эшитдик. Айниқса, чиқиндихона ёнгинасида яшаган, аксарият журналистлар яхши эсласа керак, кўпгина газеталарнинг «жамоатчи мухбири» бўлиб юрган раҳматлик Усмон Муҳамедов ҳам ўтган-кетганнинг кўнглини оздирадиган бу жой ҳақида бир замонлар бонг урган экан. Лекин ўша пайтларда бу куюнчак одамнинг овозини эшитадиган мард топилмаган. «Хайриятки, мустақиллик бўлганидан кейингина маҳаллалар обод бўла бошлади, — дейди Усмон аканинг аёли Маҳфуза ая. — Ишонасизми, бизнинг уйимиз олдидан ўтиб бўлмасди. Биз-ку ноилож эдик, лекин шу ерда жойлашган боғча болаларини айтмайсиз? Мошинлар чиқиндини ташиб улгуролмасди. Бир ёғи кун чиқар тараф «дом»лар билан тўсилган, ҳаво айланмасди. Қўшнилар кечаси билан қоровуллик қилиб ўтиришарди, чиқиндини биров ёқиб юбормасин, деб. Ёниб кетса борми, тамом, ҳаммаёқни тутун босиб, нафас олиш баттар қийинлашарди...»

Очиғи, орадан ўтган беш-ўн йил орасида ҳам «Камолон»даги бу ташландиқ жой масаласи бир неча бор кўтарилган. Кимдир чойхона қуриш керак деса, яна биров тўйхона бўлса яхши эди, деган таклифларни билдирган. Хуллас, жўялироқ гап айтилмай, яна ўз ҳолича қолиб кетаверган.

ТАШАББУС СЎНМАСИН, ТАШАББУС ЎЛМАСИН...

Эсимизда, Юртбошимиз бундан етти йил муқаддам катта бир йиғинда ташаббускорни ташкил қилди.

Ўзбекистон Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигининг ғаллачиликни ривожлантириш бошқармасидан олинган маълумотларга кўра, экиш мавсумининг уюшқоқлик билан ташкил этилгани, навларни танлашда ҳар бир вилоятнинг ўзига хос тупроқ-иқлим шароити ҳисобга олингани эришилган муваффақиятни таъминлади. Илғор агротехник тадбирларнинг ўз вақтида ўтказилгани дон етиштиришни кўпайтириш, унинг сифат ва истеъмол хусусиятларини янада ошириш имконини берди.

Тармоқда мулкчилик шаклининг ўзгариши, яъни мамлакатимиз қишлоқ хўжалигининг тўлиқ фермерлаштирилгани эришилаётган ютуқларнинг бош омили бўлмоқда. Бу йил мамлакатимизда етиштирилган ғалланинг деярли барчаси фермерлар ҳиссасига тўғри келди. Ғалла хирмонига Қорақалпоғистон Республикаси, Хоразм, Андижон, Бухоро, Самарқанд, Қашқадарё, Фарғона вилоятлари фермерлари айниқса салмоқли ҳисса қўшдилар.

Жумладан, Бухоро вилоятининг Жондор туманидаги «Искандар бобо» фермер хўжалиги ҳар гектар ердан 75, Наманган вилояти Чуст туманидаги «Маликабону Аҳмедова» фермер хўжалиги 60 центнердан ошириб хирмон кўтаришга эришди.

Далаларда ҳали ғалла кўп. Пешона тери эвазига етиштирилган ҳосилни нест-нобуд қилмай йиғиштириб олиш ишлари давом этмоқда. Айни пайтда ҳосилдан бўшаган майдонлар пешма-пеш шудгорланиб, такрорий экинлар экиш бошлаб юборилди.

(ЎзА).

ЎЗБЕКИСТОН ҒАЛЛАКОРЛАРИГА

Қадрли дўстлар!

Барчангизни бугунги катта меҳнат ғалабангиз – 6 миллион 250 минг тоннадан зиёд ғалла хирмони бунёд этишга эришганингиз билан чин қалбимдан самимий муборакбод этаман.

Бу йил ғаллачилик соҳасида қўлга киритган натижа ва марраларимиз ўзининг юксак кўрсаткичлари, авваламбор меҳнат унумдорлиги ва ҳосилдорлик даражасининг юқорилиги билан, ҳеч шубҳасиз, барчамизга қувонч ва ғурур-ифтихор бағишлайди.

Мамлакатимиз бўйича суғориладиган ерлардан ҳосилдорлик гектарига ўртача 48 центнерни ташкил этиб, ўтган йилга нисбатан қарийб 4 фоизга ўсгани бунинг яққол тасдиғидир. Айниқса, ҳосилдорлик даражаси Андижон вилоятида – 60 центнер, Қашқадарё, Самарқанд ва Фарғона вилоятларида эса 50 центнердан ортиқ бўлгани, Олтинкўл ва Кўрғонтепа, Вобкент ва Пайариқ, Сариосиё ва Денов, Кува, Китоб ва Яккабоғ каби туманларда эса 55-60 центнердан ошгани миришкор деҳқонларимизнинг фидокорона меҳнати ва беқиёс маҳоратининг ёрқин далили, десак, ўйлайманки, бутун халқимизнинг дилидаги гапни айтган бўламан.

Қишлоқ хўжалигида камдан-кам учрайдиган бу улкан муваффақиятни таъминлаган омиллар ҳақида гапирганда, унинг негизида биринчи галда соҳада амалга оширилаётган ислоҳотларнинг асосий ҳаракатлантирувчи кучи бўлган деҳқон ва фермерларимизнинг эгалик ҳиссиёти, уларнинг меҳнатга, ҳаётга фаол муносабати, манфаатдорлик ва масъулият туйғуси, дахлдорлик ҳисси кучайиб бораётганини алоҳида таъкидлаш жоиз. Бу йилги етиштирилган мўл ҳосилнинг 100 фоизи фермер хўжаликлари томонидан тайёрланганини бунинг яққол ифодасидир.

Шу билан бирга, қишлоқ хўжалигига замонавий технологиялар, илғор агротехника ютуқларини жорий этиш, уруғчилик ишларини тўғри йўлга қўйиш, зараркунандаларга қарши курашиш билан боғлиқ чора-тадбирларнинг ўз вақтида амалга оширилгани ҳам бу ютуққа эришишда асосий омил бўлганини қайд этиш ўринлидир.

Айни пайтда ишни ташкил қилиш, деҳқон ва фермер хўжаликларини моддий-техник ресурслар, имтиёзли кредитлар билан таъминлаш, уларга хизмат кўрсатадиган вазирлик ва идораларнинг ўз вазифасини масъулият билан бажаргани, ҳосилни нест-нобуд қилмасдан конвейер усулида юқори суръат билан ўриб-йиғиб олиш, ғаллакорлар меҳнатини муносиб рағбатлантириш ҳам бу борада ҳал қилувчи аҳамият касб этгани шубҳасиз.

Сиз, азиз деҳқонларнинг пешона тери, азму шижоатингиз билан етиштирилган ғалла ҳосили ҳар қайси хонадонда тўқчилик белгиси бўлиб, эл-юрт дастурхонини тўлдириб, одамларнинг кўнглида эртанги кунга ишонч туйғусини мустаҳкамлаши ва бутун халқимиз Оллоҳ берган бу бебаҳо неъмат учун шукрона келтириб, уни юксак қадрлаб, сизларнинг шаънингизга чуқур миннатдорлик билдириши табиийдир.

Албатта, ҳали далаларимизда қиладиган ишларимиз кўп. Энг аввало, етиштирилган ғалла ҳосилини тўла йиғиб-териб олиш, ерни шудгорлаш ишларини сифатли амалга ошириш, шартнома мажбуриятларига қатъий амал қилган ҳолда, деҳқонларимизнинг ертўласига тушадиган дон масаласини оқилона ҳал қилиш, қишлоқда яшаб, шу юртга хизмат қилаётган бошқа одамларнинг таъминотини ҳам унутмаслик каби эзгу ишларни саховатли фермерлар, жойлардаги раҳбарлар охирига етказади, деб ишонаман.

Ҳеч шубҳасиз, ғаллакорларимиз эришган бу меҳнат зафари аҳолини нафақат дон маҳсулотлари билан таъминлаш, айни вақтда шунинг ҳисобидан даромад топиш, янги мавсумга ҳозирлик кўришда, жумладан, зарур техника воситаларини сотиб олиш, ерни тайёрлаш, истиқболли навларни танлаш сингари масалаларда ҳар томонлама кенг имкониятлар яратади. Энг муҳими, бу улкан ютуқнинг қишлоқлардаги янги қурилиш ва ободонлаштириш ишларига таъсири жуда кучли бўлишини, бир сўз билан айтганда, юртимизни янада обод ва фаровон этишда мустаҳкам пойдевор бўлиб хизмат қилишини, ўйлайманки, барчамиз яхши тушунамиз ва англаймиз.

Бугунги хурсандчилик кунда моҳир ғаллакорларимиз, механизатор ва комбайнчиларга, мутахассис ва мутасадди ходимларга сидқидилдан қилган меҳнатлари учун чин қалбимдан миннатдорлик изҳор этаман.

Барчангизни бугунги ажойиб ғалабангиз билан яна бир бор қутлар эканман, ҳақиқий қаҳрамонлик ва фидойилик тимсоли бўлган сиздек олижаноб инсонлар олдида бош эгиб таъзим қиламан.

Доимо соғ-омон бўлинг, меҳнатингизнинг роҳатини кўринг!

Хонадонларингиздан тинчлик-хотиржамлик, файзу барака аримасин!

Ҳорманг, ҳеч қачон кам бўлманг, қадрдонларим!

Ислом КАРИМОВ,
Ўзбекистон Республикаси Президенти

УЛКАН ЗАФАР МУБОРАК

Мамлакатимиз ғаллакорлари 6 миллион 250 минг тоннадан ортиқ сара дон етиштириб, бу борадаги йиллик шартнома мажбуриятини ортиғи билан бажардилар. Деҳқонларимизнинг ушбу меҳнат зафари Ватанимиз мустақиллигининг 16 йиллик тўйига муносиб тўёна бўлди.

Бундай улкан ютуққа эришишда давлатимиз раҳбари Ислом Каримов томонидан ғаллачиликни ривожлантиришга қаратилаётган доимий эътибор муҳим омил бўлди.

Бошқа соҳаларда бўлгани каби қишлоқ хўжалигида ҳам амалга оширилаётган изчил ислоҳотлар ўзининг ижобий самарасини бераётир. Жумладан, ғалла тайёрлаш йилдан-йилга кўпаймоқда. Истиқлол йиллари юртимизда ғалла етиштириш маданияти юксалди, тупроқ-иқлим шароитимизга мос янги, серҳосил навлар яратилди. Мустақиллигимизнинг дастлабки йиллари ўртача ҳосилдорлик 20 центнердан ошмаган бўлса, жорий йилда бу кўрсаткич суғориладиган ерларда 48 центнерни ташкил қилди.

ИНТЕРНЕТДА ЎзХДПнинг ЯНГИЛАНГАН САЙТИ

Янги техника, технология ва ҳозирги замон коммуникация воситалари партия ташкилотлари ҳаётига кун сайин кенгроқ кириб келмоқда. Компьютер, факс, Интернет ва электрон почтадан фойдаланиш Ўзбекистон ХДП тузилмалари ва депутатлик гуруҳлари учун кундалик табиий ҳолга айланиб қолди

Жорий йил июль ойининг бошидан Интернетда партиянинг янгиланган сайти фаолият кўрсата бошлади. У аввалгисидан биринчи навбатда дизайни билан фарқланади. Сайт мазмуни кенгайди: «Ахборот маркази», «Долзарб», «Матбуот хизмати», «Партия матбуоти», «Фаол аёллар қаноти», «Истиқбол» — ёшлар қаноти» каби саҳифалар очилди.

ЎзХДП ҳужжатлари, унинг ташкилотлари, Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракцияси ва халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларидаги депутатлик гуруҳлари фаолияти ва ҳаёти тўғрисида энг янги хабарлар билан яқиндан танишмоқчи бўлган киши партиямизнинг Интернетдаги ушбу сайтидан фойдаланиши мумкин.

Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг электрон манзили: **www.xdp.uz**

Ўзбекистон ХДП МК матбуот хизмати.

Муносабат

ИШ ҲАҚИ: ЎСИШ ВА БАРҚАРОРЛИК

АҲОЛИ ТУРМУШ ДАРАЖАСИНИНГ ОШИШИ ВА ФУҚАРОЛАРГА ИЖТИМОИЙ МАДАДНИНГ ЁРҚИН НАМУНАСИДИР

Мамлакатимиз Президентининг **«2007 йилнинг 1 августидан бошлаб иш ҳақи, пенсиялар, стипендиялар ва ижтимоий нафақалар миқдорини ошириш тўғрисида»**ги Фармони фуқароларнинг моддий фаровонлигини изчил ошириб бориш ва аҳоли ижтимоий ҳимоясини барқарор таъминлаш масаласига доимо устувор аҳамият бериб келинаётганлигининг яна бир ёрқин мисолидир. Қолаверса, бу устувор йўналиш Мустақиллигимизнинг дастлабки кезлариданоқ шахсан Юртбошимиз ташаббуси билан ишлаб чиқилган машҳур беш тамойилга асосланган бўлиб, республикамизда кучли ижтимоий сиёсат бундан кейин ҳам муттасил устувор ва барқарор йўналиш бўлиб қолаверишига ёрқин ишора. Зеро, ўтаётган 2007 йилимизнинг «Ижтимоий ҳимоя йили» деб номланишининг ўзиёқ фикримизга дангал далил.

Аҳоли пул даромадларининг асосий шакли, иш ҳақи — нафақат давлат ижтимоий ҳимоя сиёсатининг, балки ижтимоий-сиёсий барқарорликни мустаҳкамлашнинг ҳам муҳим омилидир. Шу боис, давлатимиз иш ҳақи сиёсатини амалга оширишга, уни узлуксиз ўстириб боришга ва бу ўстиришнинг иқтисодий ҳамда молиявий асосларини мустаҳкамлашга алоҳида эътибор қаратиб келмоқда. Натижада, истиқлол йилларида ўтган 15 йилнинг ҳар йилги якунлари кўрсаткичларига эътибор бersангиз, иқтисодий ўсиш самарадорлиги йил сайин ошиб, ишлаб чиқарувчиларнинг молиявий барқарорлиги ортиб бориши таъминланмоқда ва пул муомаласининг мутаносиблигига ҳамда миллий валютамиз барқарорлигига эришилаяпти.

Молиячилар тилида, номинал иш ҳақи даражасининг ошиши — аҳоли турмуш фаровонлигининг юксалишида муҳим кўрсаткич бўлган **реал иш ҳақи** ҳисобланади. Айни шу нуқтаи назардан, Президентимиз шу йил 12 февраль куни 2006 йил якунлари ва 2007 йилнинг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамаси мажлисидаги маърузасида шундай деган эди: **«Лўнда қилиб айтганда, реал иш ҳақининг ошиши — бу иқтисодиётнинг қандай суръатларда ривожланаётганини, мамлакатнинг молиявий аҳволи мустаҳкамланаётганини, мутаносиб монетар сиёсат қандай таъминланаётганини яққол акс эттирадиган ўзига хос кўзгу ва кўрсаткичидир».**

Шу сабабли ҳам мамлакатимизда иш ҳақининг ҳар бир ошишида унинг реал (урғу бериб айтамиз: реал!) ўсишини таъминлаш алоҳида инобатга олинади. Тушунарлироқ айтганда, иш ҳақининг реал ўсиши таъминотини инфляция даражаси билан узвий боғлашга, яъни истеъмол товарлари нархи ўсишини чегаралашга ва ички бозорнинг харидоргир, сифатли маҳсулотлар билан тўйинишига эришишга устуворлик берилади. Республикамизда худди шу тамойилга қатъий риоя этилаётганлигини Президентимиз юқорида эслатилган маърузасида таъкидладиларки, **«Статистик маълумотлар ва социологик натижаларга кўра, мамлакатимизда 2006 йилнинг охирида ўртача реал ойлик иш ҳақи 185 минг сўмни ёки салкам 150 АҚШ долларини ташкил этган».**

Сўнгги йилларда республикамизда аҳоли даромадлари шаклланишидаги яна бир ижобий жиҳат шундаки, 2002 йилдан бошлаб, фуқароларнинг пул даромадларига нисбатан ўртача ойлик иш ҳақининг ўсиш суръатлари юқори бўлмоқда. Чунончи, 2006 йилда бу ўсиш мос равишда 132,6 ва 141,3 фоизни ташкил этди.

Яна бир омил (тамойил) — реал иш ҳақининг ўсишига ижтимоий тўлов ставкасининг тўхтовсиз пасайтириб борилиши ҳам ижобий таъсир кўрсатди. Масалан, республикамизда унинг даражаси 2002 йилдан 2006 йилгача 15 фоизга (40 фоиздан 25 фоизга) пасайди. Бу кўрсаткич ҳам — давлатимизнинг иш ҳақи сиёсати келгусида унинг реал даражасини ўстириб бориш билан бирга аҳолининг пул даромадлари улушини узлуксиз ошириб боришга қаратилаверишидан далолат беради.

Яқин истиқболда аҳолининг пул даромадлари таркибидаги ижобий ўзгаришларга кўра, ундаги иш ҳақи улуши 2006 йилдаги 29,4 фоиздан 60-65 фоизга етиши кўзда тутилган. Бу, шубҳасиз, аҳоли турмуш фаровонлигини ўстириб боришда — иш ҳақи асосий молиявий манбага айланишини англатади. Давлатимиз раҳбарининг масалага 2007 йилда ҳам («Ижтимоий ҳимоя йили»да!) алоҳида устуворлик берганлигидан кутилган асосий мақсад ҳам аслида шу. Зеро, мазкур масала (вазифа)нинг муваффақиятли ечими — мамлакатимиз иқтисодий тараққиётининг ҳозирги босқичида ижтимоий-сиёсий барқарорликни мустаҳкамлашнинг ҳал қилувчи омили ҳамдир.

Барчамиз гувоҳмиз, (ҳамма Фармону қарорларни ўқиб, ўрганиб бораяпмиз!) Президент иқтисодиётимизда ишлаб чиқариш ҳажмларининг истиқболда янада ортиши фуқароларни рағбатлантиришга хизмат қилишини назарда тутиб ва иқтисодий имкониятларни эътиборга олган ҳолда, 2007 йилда ўртача иш ҳақини камида 1/3 миқдорда, 2010 йилга бориб эса 2,5 баробар ошириш вазифасини қўймоқда. Чунки, иш ҳақини муттасил ошириб бориш — аҳоли истеъмол талабини ўсишида кучли омилдир ҳам. Шу боис, табиийки, шунга мос ҳолда пенсиялар, нафақалар, стипендиялар ва аҳолига тўланадиган тўловлар миқдори ҳам ўсиб боради. Тўғри, бу анча мураккаб жараён, мураккаб вазифа, лекин ҳукуматимиз томонидан ҳар тарафлама асосланган ва эришилиши муқаррар вазифа у.

Бунга Президентимиз Фармонига берилган шарҳни диққат билан ўқисангиз тўла ишонч ҳосил қиласиз. Масалан, аҳолига иш ҳақи ва бошқа тўловлар миқдорларини оширириш — Давлат бюджети, бюджетдан ташқари Пенсия ва Бандликка кўмаклашиш жамғармалари томонидан таъминланиб, мазкур мақсадларга шу йилнинг охиригача қўшимча 460 миллиард сўмга яқин маблағ ажратилаяпти.

Хўжалик ҳисобидаги корхона ва ташкилотлар ходимлари иш ҳақини оширишнинг ишончли манбаларини таъминлаш йўлида — эсингизда бўлса, шу йил бошидаёқ хўжалик юритувчи субъектларнинг даромад (фойда) солиғи ставкаси 12 фоиздан 10 фоизга, кичик бизнес субъектлари учун ягона солиқ тўлови ставкаси 13 фоиздан 10 фоизга пасайтирилган эди.

Ушбу мақолада Фармонга кўра, шу йил 1 августдан эътиборан ўртача ойлик иш ҳақи (қайси ихтисослик бўйича қанча, унга қўшиладиган устама ва қўшимча ҳақ, пенсия ва нафақалар фоизи, компенсация пули ҳамда энг кам иш ҳақи) миқдорлари ҳақида тўхталиб ўтирмадик, чунки, Президентимиз Фармони ва унга берилган шарҳда бу тўғрида батафсил маълумот бор.

Хулоса ўрнида айтмоқчи бўлган сўзимиз — Давлатимиз раҳбарининг мазкур Фармони — 2010 йилгача аҳолига иш ҳақи ва бошқа тўловлар миқдорини (боя тилга олиб ўтганимиздек) 2,5 баравар оширишдан иборат кенг қамровли дастур ижросини таъминлашга киришишнинг бошланишидир. Ёхуд мамлакатимиз Мустақиллигининг дастлабки кезлариданоқ аҳоли турмуш даражасини муттасил ошириб бориш ва фуқароларга ижтимоий мададни кучайтириш йўлида бошланган барча саъй-ҳаракатларимизнинг узвий, мантиқий давоми у.

Тошболта ЖЎРАЕВ,
Тошкент молия институти кафедра мудири, иқтисод фанлари номзоди, доцент.

Яхшиликнинг мукофоти — яхшиликдир

«ЮРТБОШИМИЗ МЕНИНГ НОМИМНИ ТИЛГА ОЛГАНЛАРИДА ЙИҒЛАБ ЮБОРДИМ»

— ДЕЙДИ САКСОННИ ҚОРАЛАБ ҚОЛГАН БЎЛСА-ДА, ҲАМОН БОЛАЛАРГА ҚУВОНЧ УЛАШИБ ЧАРЧАМАЁТГАН ЖАҲОНГИР ОТА

(Давоми. Боши 1-бетда)

ЎЗИНИНГ ГАПЛАРИ:

— Бир ҳафтагача одамлар «қани, бу чол нима қила оларкин?» дегандай томошабинлик қилиб ўтиришди. Кейин бошланди ҳамма иш. Маҳалладошларимдан бири майдончанинг тўрт тарафини панжара билан ўрашга етадиган темир-терсакларни топиб берди. Кимлигини айтмайман. Бирон жойда номимни айтманг ота, деб қаттиқ тайинлаган. Хафа бўлади. Қолаверса, шаҳар ободонлаштириш бошқармасининг аввалги раҳбарларидан бири, ҳозир пенсияга чиққан Мирсаид Ибрагимов ҳам жуда катта ёрдам берди. Кейин билсам, унинг ўзиям бир вақтлар маҳалламиздаги 84-мактабда ўқиган экан. Энг қизиғи, дастлаб икки киши мени қўллаб-қувватлаган бўлса, ўн беш кун ичида деярли бутун маҳалла-кўй бу хайрли ишга бош қўшди...

БИРИНЧИ ТЎП, БИРИНЧИ ГОЛ

Ниҳоят, баҳор охирлаб қолди. Билган-эшитган одамлар, қўшни маҳаллалардан ҳам ишониб-ишонмай атайлаб «Камолон»га келиб кетишарди. «Спорт майдончасидан кўра, тўйхона ё чойхона қурса бўлмасмиди, маза қилиб ош ердик» дейдиганлар энди мулзам бўлиб, Жаҳонгир отага ҳасад эмас, ҳавас қила бошлашди. Қолаверса, бир пайтлар оғиз-бурнини рўмолчаси билан бекитиб ўтганлар ҳам бу жойнинг шинамгина майдончага айланаётганини кўриб, кўзларига ишонмай қолишди. Хатосиз кўкарган мирзатеракларнинг кун сайин кўкка бўй чўзаётгани ва яланг оёқ юрсангиз ўзгача завқ берадиган чим майдончанинг кўм-кўк ўтлариям қаҳрамонимизнинг руҳини кўтарарди.

— Биласизми, уч ой нима едим, нима ичдим, ухладиммиухламадимми, билмайман. Савоб иш қиламан десангиз, Худо куч, мадад берар экан, — дея эслайди у кунларни Жаҳонгир ота. — Нега десангиз, бир томони, эл-улусга ваъда бериб қўйганман. Қолаверса, кўчакўйда болалар ҳар куни сўрайди: «Ота, майдон қачон битади, қачон футбол ўйнаймиз?» деб. Гоҳи ярим кечалари учтўрт одам майдонча ёнида гаплашиб турсаям келиб кузатиб ўтираман. Теракларимни юлиб кетмасин, панжарани бузиб қўймасин, деган хаёлда. Кампирим ҳам танбеҳ беради: «Нима бўлди сизга, тилла топган одамдай безовтасиз, насиб этса битиб қолди-ку, ўзингизни эҳтиёт қилинг, бу аҳволда ётиб қоласиз ахир?» Мен учун ана шу уч ой уч йилга чўзилгандай туюлди.

...2003 йилнинг 27 май куни «Камолон»да чинакамига болалар байрами бўлди. Тўрт тарафни карнай-сурнай овозлари тутиб кетди. Кексаю-ёш, ҳаммаҳамманинг юз-кўзида севинч тўла эди шу куни. Энг қизиғи, майдонча ичкариси болакайлар билан лиқ тўлган бўлса, ташқарида ҳам болалари ортидан келган ота-оналарнинг қувончи бир дунё эди.

— Бу кун менинг умр дафтаримга унутилмас бўлиб ёзилиб қолди. Чунки шу орада олис safarga жўнаб кетдим. Келгунимча анча иш бўлган экан, — дейди Салоҳиддин ака. — Майдонча очиладиган куни ота-боболаримиз удумига биноан ош дамлаб, кексаларни чорлаб, болажонларимизга дуо олиб бердик. Энг таъсир қилган жойи, биласизми, нима, майдончани тантанали суратда очдик ва ...ўртага копток қўйиб, эл-халойиқдан «қани энди ким коптокни тепиб беради болаларга?» деб сўрадик. Ҳамма бараварига «Жаҳонгир ота тепсинлар!» дея ҳайқирди. Ана шу лаҳзада отахонни қучоқлаб йиғлаб юбордим...

Жаҳонгир ота УСМОНОВ 88 кун интиқ кутган энг қутлуғ, фарахбахш бахт шу эди асли. «Ана энди оёқни узатиб дам олсам бўлади, кампир, болалар олдида юзим ёруғ бўлди» дея уйига суюниб кириб борган отахонга ўзи билан майдонча очилганини кўриб, шодлигидан ҳам йиғлаб, ҳам қувонган Муаззам аянинг бу галги ҳазил аралаш, чин дилдан айтган сўзлари яна далда бўлди: «Энди сизга эрмак топилди. Зерикмайсиз. Ҳали кўрасиз, ошналарингиз ҳам тўп тепамиз, деб ҳол-жонингизга қўймаса керагов...»

Нимасини айтасиз, отахон уйида бир кун ҳам ўтиролмади. Эртаси куни яна бошқа бир даргоҳ раҳбарининг эшигини қоқди. Ўзбекистон давлат жисмоний тарбия институтининг ректори қабулига бориб, «Камолон»лик болаларга футбол сирларини ўргатадиган мураббий кераклигини айтди. Институт раҳбариятига ҳам бу тиниб-тинчимас чолнинг таклифи маъқул бўлди. Эртаси куниёқ иқтидорли талабалардан бири маҳаллага келиб, машғулотларни бошлаб юборди...

Шу орада Жаҳонгир отанинг ўз маҳалласи болаларига кўрсатган бу яхшилиги хусусида эшитган Ўзбекистон Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси ижрочи директори Абдулла Ачилов майдонча очилган кундан уч кун ўтгач, яъни 1 июнь — Халқаро болаларни ҳимоя қилиш кунида маҳалла болаларига атаб қирқта спорт кийимкечаклари, коптоклар олиб келиб, махсус турнир ҳам ўтказиб берди. Хуллас, бу миттигина майдонча энди йилнинг уч фаслида болаларнинг севимли гўшасига айланиб қолди. Ва ўз навбатида фарзандларининг яйраб копток тепаётганларини кўриб завқланган катталар ҳам майдончанинг «фахрий президенти» Жаҳонгир отага илтимос билан чиқишди: «Хўп десангиз, биз ҳам футбол ўйнасак». Отахон «ҳозирча кичикларга мўлжалланган жой бу, сизлар чимларни эзиб ташлайсизлар» дея кўнмади...

ИЗОҲ: *Бугунги кунда ҳар ҳафтанинг уч куни кеч соат олтидан саккизгача бу майдончада футбол ўйнаш учун рухсат берилади. Ўйинчилар ёши 11-13 қилиб белгиланган. Машғулотлар қатъий тартиб асосида ўтказилади.*

Акмал АЛИЕВ, мураббий:

— Иқтидорли болалар жуда кўп экан маҳаллада. Келган кунимдаёқ Жаҳонгир ота тайинлади: «Болам, сиз ҳам шу болаларим қатори менинг фарзандимсиз. Машғулотга кечикманг. Бирортаси ўксиб кетмасин. Тағин бирортасидан устозлик қилаяпман, у-бу нарса учун пул-мул йиғинглар, деб сўраманг. Хафа бўламан. Қандай гап бўлса, менга айтинг, ўзим ҳал қиламан. Қаттиққўл бўлингу, шунга яраша меҳрибонлик ҳам кўрсатинг». Мана, ҳозир болалар ўрганиб кетди. Ишонаман, ҳали кўрасиз, шулар орасидан кўплаб футбол юлдузлари етишиб чиқади.

«ШУ КУНИ ДУНЁГА СИҒМАДИМ»

Жаҳонгир ота УСМОНОВ:

— Ўтган йилнинг 7 декабрь куни «Туркистон» саройида Қомусимизнинг 14 йиллигига бағишланган маросим бўлиб ўтди. Мен ҳам залда эдим. Президентимиз ўз маърузаларида мамлакатимизда амалга оширилаётган жуда катта тарихий ўзгаришларни бирма-бир санаб, бунёдкор халқимиз меҳнатига юксак баҳо бердилар. Қолаверса, юртдошларимиз орасида ўзларининг савобли амаллари билан танилган тадбиркорлар ва фермерларнинг исми-шарифларини айтиб, улар ўзлари яшаётган гўшаларда амалга оширган ибратли ишларни фахр билан айтганларида Ватанимиз шундай қўли очиқ, саховатли инсонлар кўплиги боис обод бўлаётганидан, гуллаб-яшнаётганидан суюниб, чин кўнгилдан уларни дуо қилиб ўтирдим. Ва бир пайт... Юртбошимиз менинг номимни ҳам тилга олдилар. Ўзимни тутолмадим, йиғлаб юбордим. Енимда ўтирган оқсоқоллардан бири секин туртиб: «Нега йиғлайсиз отахон, қувонмайсизми ахир?» дейди. Мен бўлсам шивирлайман: «Суюнганимдан йиғлаяпман-да, ука. Ҳеч ўйламовдим, шу кичкинагина ишим Президентимиз эътиборига тушади, деб».

Аввало, Юртбошимизга раҳмат, дейман. Чунки у киши агар бизларга шундай имкониятларни яратиб бермаганларида, айниқса, маҳаллаларга жуда катта эркинлик ва ҳуқуқларни топширмаганларида ҳеч нарса қилолмасдик.

Ишонасизми, шу куни дунёга сиғмадим. Йиғиндан чиқиб, тўғри маҳалламга келиб, энг аввал майдончада футбол ўйнаётган болалардан суюнчи олдим. Кейин эса шу хайрли ишга бош қўшган ва мени руҳлантирган қўни-қўшни, маҳалладошларимга раҳматлар айтдим...

✧✧✧

...Бир ҳафта аввал «Камолон»га йўқлаб бориб, ўзи ҳақида газетамизга мақола ёзмоқчи эканлигимни эшитган, отахон хижолатомуз оҳангда «мен энди саксонга бориб қолдим ўғлим, мақтасангиз бу ишлар миннатга айланиб қолади. Яхшиси, мана, оқсоқолимиз Бахтиёржон гувоҳ, кечагина бу майдонча раҳбарлигини ўзимнинг жондай шогирдим Салоҳиддинбойга топширдим. Югуриб-еладиган ёшда. Икки маҳалла болалари ҳам уни жуда ҳурмат қилади. Ўзиям футболга ишқибоз. Шулар ҳақида ёзаверинг. Мен энди бир чеккада дуо қилиб ўтираман», деб қолдилар.

Қайда, эртаси куни биз суратчимиз билан болакайларнинг машғулотларини тасвирга туширмоқ учун маҳаллага борсак... майдонча ўртасида Жаҳонгир ота қўлида коптокни ушлаб, болакайларга насиҳат қилаётган экан...

Норқобил ЖАЛИЛ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.
Суратларни Абдувоси ҲАЙДАРОВ олган.

ЎзХДП ҳаёти

ЖАМОАТЧИЛИК ҚАБУЛХОНАЛАРИ

ФУҚАРОЛАРНИНГ ИШОНЧИНИ ҚОЗОНИБ БОРМОҚДА

Ўзбекистон Халқ демократик партияси Марказий Кенгаши ва ЎзХДП Тошкент шаҳар кенгаши томонидан «Партия электорати манфаатларини ҳимоя қилишда Жамоатчилик қабулхонасининг ўрни» мавзуида минтақавий семинар ўтказилди. Унда Ўзбекистон ХДП Тошкент шаҳар, Сирдарё ва Тошкент вилоятлари ҳамда шу минтақалардаги шаҳар ва туман партия ташкилотлари раҳбарлари, халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларига ХДПдан сайланган депутатлар иштирок этдилар.

Дастлаб семинар иштирокчилари Мустақиллик майдонида бўлишиб, «Мустақиллик ва эзгулик» монументига гулчамбар қўйдилар. Шундан сўнг улар Ўзбекистон Темурийлар тарихи давлат музейини томоша қилдилар. Шу ерда мустақиллик тенгдошлари бўлган бир гуруҳ ёшларга фуқаролик паспорти, ХДП сафига янги қабул қилинганларга эса партияга аъзолик билетлари тантанали равишда топширилди.

Темурийлар тарихи давлат музейининг анжуманлар залида давом этган семинарда электорат билан ишлашни кучайтириш, Жамоатчилик қабулхоналари фаолиятини такомиллаштириш каби долзарб масалалар юзасидан ЎзХДП Марказий Кенгаши раиси ўринбосари Баҳодир Норов, халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгашидаги ЎзХДП депутатлик гуруҳи раиси, Тошкент давлат иқтисодиёт университети проректори, профессор Гулчеҳра Аҳунова, ЎзХДП Тошкент шаҳар кенгаши раиси Учқун Шайимқулов, Фуқаролик жамиятини ўрганиш институти илмий ходими Рустам Саидов ва бошқалар маъруза қилдилар.

Бугун ХДП кенгашлари қошида ташкил этилган Жамоатчилик қабулхоналари партия электоратининг манфаатини ифода этадиган ишончли масканга айланиб бормоқда. Уларга аҳоли вакилларидан турли масалалар юзасидан кўплаб ариза ва мурожаатлар тушмоқда. Семинар иштирокчилари бу мурожаатларнинг ҳал этилишида депутатлик гуруҳлари, маҳаллий ҳокимликлар билан қилинаётган ҳамкорлик, саъй-ҳаракатларнинг самарадорлигини ошириш, қабулхоналар ишини такомиллаштириш, партия ташкилотлари томонидан «Ижтимоий ҳимоя йили» Давлат дастури доирасида аҳолининг кам таъминланган ва муҳтож қатламларини қўллаб-қувватлаш ва уларга ёрдам кўрсатиш масалалари хусусида фикрлашиб олдилар.

Анжуманнинг амалий қисмида иштирокчилар пойтахтнинг Шайхонтоҳур туманидаги «Илғор» маҳалласида бўлишиб, туман партия кенгашининг ушбу маҳалладаги «Жамоатчилик қабулхонаси» бўлимининг иш фаолияти билан яқиндан танишдилар. Бу ҳақда семинар иштирокчиларига халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгаши депутати, «Илғор» маҳалла фуқаролар йиғини раиси Аҳмаджон Зокиров ва ЎзХДП Шайхонтоҳур туман кенгаши раиси ўринбосари Рўзибек Тўраев ахборот бердилар.

— «Илғор» маҳалласининг ва бу ердаги Жамоатчилик қабулхонасининг иш фаолияти билан танишиб, очиғи, уларга ҳавасим келди, — дейди ЎзХДП Сирдарё туман кенгаши раиси Маҳмуджон Аҳмедов. — Қаранг, маҳалланинг ўз музейи бор, маҳалла ёшлари, хотин-қизларнинг касб-ҳунар ўрганиши учун шарт-шароитлар яратилган. «Илғор» маҳалласи ўз номи билан илғор экан.

Семинар иштирокчилари пойтахтнинг Эски шаҳар қисмида ҳам бўлишди. Улар қадимий Ҳазрати Имом (Ҳастимом) маҳалласи ва бу ерда жойлашган Қаффол Шоший мақбараси, Бароқхон ва Мўйи Муборак мадрасалари ва Тилла Шайх масжидини зиёрат қилдилар.

— Бугунги семинар жуда қизиқарли ўтди ва таассуротларга бой бўлди, — дейди ЎзХДП Сирдарё вилоят кенгаши раиси Алишер Тошматов. — Пойтахтда ва Тошкент вилоятида фаолият кўрсатаётган партиядошларимиз билан Жамоатчилик қабулхоналарининг фаолиятини янада такомиллаштириш хусусида фикр алмашдик, тажрибаларимиз билан ўзаро ўртоқлашдик. Ўйлайманки, бундай амалий семинарлар келгусида ўз самарасини беради.

— Семинар иштирокчилари «Илғор» маҳалласида бўлишганида фаоллик, ташаббускорлик ва қатъийлик бор жойда иш ҳам илгари кетишига яна бир бор амин бўлишди, — дейди ЎзХДП Тошкент вилояти кенгаши раиси Сирожиддин Аъзамов. — Юртбошимиз ташаббуси билан Тошкентнинг Ҳазрати Имом (Ҳастимом) маҳалласида амалга оширилган эзгу ишлардан эса ҳайратимиз ошди.

Ҳа, семинар иштирокчиларида ушбу тадбир бир олам таассурот, ҳайрат ва ҳавас қолдирди.

Алижон АБДУРАҲМОНОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.
Козим ЎЛМАСОВ олган сурат.

ЎзХДП: воқеалар, хабарлар, янгиликлар

НАВОИЙДА ПАРТИЯ НАШРИ

Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 16 йиллик тўйи арафасида Халқ демократик партияси Навоий вилоят кенгаши, аъзолари ҳаётида яна бир қувончли воқеа юз берди. Улар ўзларининг мустақил матбуот нашрига эга бўлишди. «Халқ ишончи» газетаси ЎзХДП Навоий вилоят кенгаши муассислигида чоп этила бошланди. Унинг биринчи сони 2007 йил 12 июль куни нашр этилиб, ўқувчилар қўлига тегди.

Газета ижтимоий-сиёсий йўналишда бўлиб, асосан партия ташкилотлари, депутатлар фаолияти, вилоятдаги энг муҳим янгиликлар, ахборотлар, мамлакатимиз ва дунёда юз бераётган воқеаларни ёритиб боришни ўз олдига мақсад қилган.

Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши Ижроия қўмитаси газетанинг илк сони чиқиши муносабати билан йўллаган табригида «Халқ ишончи» газетаси эзгу мақсадларни амалга ошириш учун астойдил ҳаракат қилади, ўз номига муносиб тарзда электоратимизнинг, бутун халқнинг ишончига сазовор бўлади, деб умид билдирди.

Ўйлаймизки, ушбу нашр ўзининг ранг-баранг, мазмунан бой, таҳлилий материаллари билан ўқувчилар ишончини қозонади.

Шерали УМАРОВ,
Ўзбекистон ХДП Навоий вилоят кенгаши раиси.

БУНЁДКОР ТАЛАБАЛАР ҲУЗУРИДА

Ўзбекистон ХДП Қашқадарё вилоят кенгаши ташаббуси билан «Тошгузар — Бойсун — Қўмқўрғон» темир йўли қурилишининг Деҳқонобод участкасида ишлаётган «Бунёдкор — 2007» талабалар меҳнат отряди аъзолари билан маданий-маърифий учрашув ташкил этилди.

Ўзбекистон ХДП вилоят кенгаши раиси Р.Муртазаев, Ғузор туман ҳокимининг ўринбосари, туман хотин-қизлар қўмитаси раиси Д.Хўжақулова, вилоят кенгаши «Фаол аёллар» қаноти раиси К.Каромова, «Истиқбол» ёшлар қаноти раиси Х.Холиқова, Ўзбекистон ХДП Деҳқонобод туман кенгаши раиси А.Норбоев, Ғузор туман Кенгаши раиси Р.Холмановалар партия Дастури, унда кўтарилган масалалар, олиб борилаётган ишлар тўғрисида сўзлаб бердилар. Тошкент темир йўл муҳандислари институти декани ўринбосари, отряд раҳбари И.Холбоев барча талабалар ўзларига топширилган ишларни аъло даражада бажараётгани, уларга зарур шарт-шароитлар яратилгани ҳақида гапирди.

Тадбир сўнггида Ўзбекистон ХДП Ғузор ва Деҳқонобод туман кенгашлари ташкилотчилигида Қарши шаҳар маданият ва спорт ишлари бўлими томонидан бунёдкор талабалар учун концерт дастури уюштирилди.

Музаффар ТУРОПОВ,
Ўзбекистон ХДП Қашқадарё вилоят кенгаши раиси ўринбосари.

ЯДРО РЕАКТОРЛАРИ

ЁПИЛИШ АРАФАСИДА

Жанубий Корея томонидан ваъда қилинган 50 минг тонна мазутнинг биринчи партияси — 6,2 минг тоннаси нефть танкери ёрдамида Шимолий Кореянинг Сонбон портига етказилди, дея хабар беради «France Presse» АА. Мазутнинг қолган қисми ҳам 20 кун ичида етказилади. Бунинг эвазига Шимолий Корея ўзининг Йонбендаги ядро реактори фаолиятини тўхтатиши лозим. Буни ўз кўзи билан кўриб, ишонч ҳосил қилиш учун Халқаро атом энергияси агентлиги (МАГАТЭ)нинг 10 нафар инспектори шанба куни Пхеньянга ташриф буюрди. Бу МАГАТЭ инспекторларининг 2002 йилдан бери КХДРга биринчи ташрифидир.

Агентлик вакиллари 10 кун давомида Шимолий Кореянинг 5 та ядро объектини кўздан кечиради. Ядро реакторларини тўхтатиш шу ҳафтадан бошланади ва бу жараён бир ой давом этади.

Японияннинг «Asahi» газетасида чоп этилган хабарда ёзилишича, расмий Пхеньян Хитой ҳукуматига маълум қилишича, Йонбендаги 5 мегаваттли реактор кеча ёпилган.

50 минг тонна мазут эвазига ядро реакторини тўхтатиш ва МАГАТЭ инспекторларини объектга киритиш ядро муаммосини бартараф этишнинг биринчи босқичидир. Иккинчи босқичда Шимолий Корея ўзининг бошқа ядро объектлари рўйхатини ҳам МАГАТЭ вакиллари ва олти томонлама музокара иштирокчиларига тақдим этиши лозим. Уларни тўхтатиш ва муҳрлаш эвазига КХДРга яна 950 минг тонна мазут етказиб берилади.

Дарвоқе, эртага Пекинда КХДР, Корея Республикаси, Япония, АҚШ, Россия ва Хитой делегациялари иштирокида олти томонлама музокаралар-нинг навбатдаги босқичи ўз ишини бошлайди.

ФАВҚУЛОДДА ҲУКУМАТ

ИСТЕЪФОГА ЧИҚДИ

Фаластин мухториятининг фавқулодда ҳукумати раҳбари Салом ал-Файёд истеъфога чиқди ва у билан бирга ҳукумат ҳам истеъфо берганлигини маълум қилди. Сурияннинг «САНА» АА хабар қилишича, Фаластин миллий маъмурияти раиси Маҳмуд Аббос ҳукумат истеъфосини қабул қилди ва янги ҳукумат таркиби шакллангунга қадар барча вазирлар ўз вазифасини бажариб туришини сўради.



Маълумки, шу йил февраль ойида Макка шаҳрида Саудия Арабистони воситачилигида Фаластиндаги ФАТХ ҳамда ХАМАС ташкилотлари тарафдорлари муросага келтирилган ва иккала гуруҳ вакилларидан иборат коалиция ҳукумати, тўғрироғи, миллий бирлик ҳукумати шакллантирилганди. Аммо бу ҳукуматнинг умри узоққа чўзилмади. Маъмурийҳудудий тортишувлар боис июнь ойи бошида ҳукуматда парокандалик юз берди, ХАМАСчилар ФАТХ тасарруфидаги Ғазо минтақасини ўз назоратига ўтказилишини талаб қилдилар. Бу эса қуролли можароларга олиб келди. Шундан сўнг Фаластин маъмурияти раҳбари Маҳмуд Аббос бош вазир Исмоил Хонияни истеъфога чиқариб, миллий бирлик ҳукуматини тарқатиб юборди ва Салом ал-Файёдни бош вазир этиб тайинлади, унга янги ҳукуматни шакллантириш мажбуриятини юклади.

Ҳозир мухториятда қўш ҳукумат фаолият юритмоқда. Яъни ХАМАСчилар тасарруфида бўлган Ғазо минтақасида Исмоил Хония етакчилигидаги миллий бирлик ҳукумати, Иордан дарёси ғарбий қирғоғида эса Салом ал-Файёд бошчилигидаги янги ҳукумат. Очиғини айтганда, бу икки ҳукумат бир-бирини тан олмайди.

Қисқаси, Фаластинда вазият шуни тақозо қилмоқдаки, иккига бўлинган мухториятни яна бирлаштириш учун кучли воситачи давлатлар кўмаги керак.

АШАДДИЙ ТЕРРОРЧИ БОШИ УЧУН

50 МИЛЛИОН ДОЛЛАР

Америка Сенати биринчи рақамли халқаро террорчи, «Ал-Қоида» террор ташкилоти раҳбари Усама бин Лодин боши учун белгиланган мукофот пулини икки бараварга ошириш ҳақидаги қарорни маъқуллади. Бунинг учун 87 сенатор овоз берди, атиги биргина сенатор қарши чиқди. Ушбу қарорга кўра, кимки Усама бин Лодинни тутиб келтирса ёки унинг қаердалиги ҳақида аниқ маълумот берса, ўша кишига АҚШ давлат департаменти 50 миллион доллар миқдорида мукофот пулини топширади, дейилади «Reuters» АА хабарида.

Дарвоқе, мукофот пулининг оширилганлиги ҳақидаги қарор Вакиллар палатаси ва АҚШ президенти томонидан ҳам маъқулланиши лозим.

АҚШ Марказий разведка бошқармасининг яқинда эълон қилинган маърузасида қайд этилишича, «Ал-Қоида» ҳозир ўзининг таркибий тармоқларини етарли даражада мустаҳкамлаб олган. Жумладан, Афғонистон — Покистон чегарасида машғулот лагерига эга. Бироқ «Ал-Қоида»нинг АҚШга янги хуружлари хавфи ҳозирча йўқ, дейилади маърузада. Шундай бўлса-да, Сенат «Ал-Қоида» раҳбари ва бошқа етакчиларининг қаерларда бўлиши мумкинлиги ҳақида 90 кун ичида маруза тайёрлаш мажбуриятини МРБга юклади.

Шуни таъкидлаш лозимки, мукофот пули оширилди-ю, бироқ америкаликлар ва унинг иттифоқчилари Усама бин Лодиннинг на тириклигига, на ўлганига ишонишади. Экспертларнинг айтишларича, у гоҳ Афғонистон, гоҳ Покистонда яшириниб юрибди. Аммо ўзининг хавфсизлигини ўйлаб, телеэфирга чиқмаяпти.

Америка махсус хизмати маълумотларига кўра, террорчининг охирги мурожаати 2004 йил 29 октябрда эфирга узатилган. Ўшандан бери у ҳақда ҳеч нарса маълум эмас.

Эслатиб ўтамиз: АҚШда 2001 йил 11 сентябрь куни амалга оширилган даҳшатли террорчилик актидан сўнг икки ҳафта ўтгач, президент Жорж Буш тез кунларда Бин Лодин ё тириклайин ёки ўлик ҳолда қўлга олинишини ваъда қилган эди. Ўшанда унинг боши учун 5 миллион доллар мукофот пули тикилганди. Кейинчалик расмий Вашингтон мукофотни 25 миллион долларга кўтарди. Мана энди 50 миллионга чиқиб турибди. Бу «Ал-Қоида»нинг Ироқдаги бўлинмаси раҳбари Абу Мусаб аз-Заркави ва Ироқнинг собиқ президенти, марҳум Саддам Ҳусайн боши учун эълон қилинган мукофот пулидан икки баравар кўпдир.

Мулкчилик шаклидан қатъи назар, барча қурилиш ташкилотлари ва корхоналари раҳбарлари диққатига!

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ «ЎЗКИМЁСАНОАТ» ДАВЛАТ АКЦИЯДОРЛИК КОМПАНИЯСИ

«SAMARQANDKIMYO»

ОЧИҚ АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТИ

қуйидаги иншоотни тўлиғича қуриб фойдаланишга топшириш шарти билан пудратчи ташкилотни танлаш бўйича

ТАНЛОВ САВДОСИ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

Самарқанд шаҳридаги «Samarqandkimyo» ОАЖнинг саноатда ўзлаштирилаётган нитрокальцийфосфат ўғитини ишлаб чиқаришнинг амалдаги қувватини йилига 100 минг тоннага ошириш.

Қурилиш ишларини бажариш муддати — 3 ой.

Қурилиш ишлари «Samarqandkimyo» ОАЖнинг хусусий маблағлари ҳисобидан молиялаштирилади.

Савдо ташкилотчиси *— Давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси Самарқанд вилоятининг қурилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш ҳудудий консалтинг маркази.*

Буюртмачи манзили: Самарқанд шаҳри, Кимёгарлар кўрғони, телефон: (8366) 25-16-97.

Талабгор сифатида иштирок этаётган корхона ва ташкилотлар қуйидаги талабларга мос келишлари керак: улар танлов савдолари предмети қийматининг камида 20 фоизи миқдоридаги айланма маблағларнинг ёки кўрсатиб ўтилган маблағларни беришга банк кафолатномаси, ишлаб чиқариш базалари, ишлар (хизматлар)ни бажариш учун зарур бўлган меҳнат ресурслари ва мутахассислар мавжудлиги, танловга қўйилган объектга ўхшаш иншоотларда ишлаганлик тажрибасига, кўникмаларга эга бўлишлари ҳамда шартномалар тузиш юзасидан фуқаролик-муомала ҳуқуқий лаёқатга эга бўлишлари лозим.

Савдода қатнашиш ва танлов савдоси ҳужжатларига эга бўлиш учун сўровнома билан савдо ташкилотчиси — Самарқанд вилоятининг қурилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш ҳудудий консалтинг марказига қуйидаги манзил бўйича мурожаат қилишлари мумкин:

Самарқанд шаҳри, Кўк-Сарой майдони, корпус-2Д, 403-хона, тел: 233-32-00, факс: 231-13-51.

Танлов ҳужжатлари бир тўпламининг нархи — 60 000 сўм.

Таклифлар (оферталар)ни савдо ташкилотчисига тақдим этишнинг охирги муддати — оферталар очилиш куни ва соатигача.

Таклифлар (оферталар) очилиши матбуотда эълон чоп этилгандан бошлаб камида 30 кундан кейин қуйидаги манзилда: Самарқанд шаҳри, Кўк-Сарой майдонида соат 16.00 да Самарқанд вилоят ҳокимлиги биносининг кичик мажлислар залида ўтказилади.

МАХСУС РУХСАТНОМА

БЕКОР ҚИЛИНДИ

Туркманистон президенти Гурбангули Бердимуҳаммедов чегара яқинидаги туманларга махсус рухсатнома билан кириш тартибини бекор қилиш тўғрисидаги қарорга имзо чекди.

«Интерфакс» ААнинг хабар беришича, шу пайтгача чегарага яқин ҳудудларга фақат махсус рухсатномаси бор одамларгина бора оларди. Эндиликда республиканинг ҳар бир фуқароси мамлакатнинг хоҳлаган нуқтасига бориш, мамлакат бўйлаб эркин ҳаракатланиш ҳуқуқига эга бўлди.

Ушбу қарор орқали Миллий хавфсизлик вазирлиги ходимларига, ички ишлар органларига ва чегарачиларга чегара яқинидаги аҳоли манзилларида жамоат тартибини сақлаш мажбурияти юклатилди.

Бугунги Париж



Ташкилот ва корхоналар раҳбарлари диққатига!

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҚИШЛОҚ ВА СУВ ХЎЖАЛИГИ ВАЗИРЛИГИ 13-СОН ҚУРИЛАЁТГАН КОРХОНАЛАРИНИНГ БИРЛАШГАН ДИРЕКЦИЯСИ

ТАНЛОВ САВДОЛАРИ ЎТКАЗИЛИШИНИ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

Олтинсой туманидаги «Обшир» сел сув омбори қурилиши

Иншоотнинг бошланғич нархи — 460,926 млн. сўм. Қурилиш муддати — 605 кун.

Иншоотнинг қурилиш ишлари давлат бюджети ва Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигининг ўз маблағлари ҳисобидан амалга оширилади.

Буюртмачи: ***Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги 13-сон қурилаётган корхоналарининг бирлашган дирекцияси.***

Манзил: Термиз шаҳри, Малик Қаҳҳор кўчаси, 10-уй. Тел/факс. 222-70-83, 222-75-29, 222-70-83.

Танлов савдоларида қатнашиш учун талабгорлар қуйидаги шартларга: танлов савдолари предметининг 20 фоизи миқдоридаги айланма маблағларнинг ёки кўрсатиб ўтилган маблағларни беришга банк кафолатномасига, ишлар (хизматлар)ни бажариш учун зарур бўлган меҳнат ресурсларига ва мутахассисларнинг мавжудлигига, етарли касбий ва техникавий малака, молиявий имкониятларга, шартнома тузиш юзасидан фуқаролик-муомала ҳуқуқий лаёқат ва ваколатларга эга, тажрибали ва ишончли бўлишлари шарт.

Савдода қатнашиш ва танлов ҳужжатларига эга бўлиш учун сўровнома билан савдо ташкилотчиси — «Ўздавархитектқурилиш» қўмитасининг қурилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш Сурхондарё вилояти ҳудудий консалтинг марказига қуйидаги манзил бўйича мурожаат этиш мумкин:

Термиз шаҳар, А.Темур кўчаси, 69-уй, Телефон/Факс: (8-37622) 2-44-73, 2-44-76.

Бир тўплам танлов ҳужжатларининг нархи — 50 000 сўм.

Таклифлар (оферталар) савдо ташкилотчиси томонидан юқоридаги манзилда қабул қилинади.

Оферталарни очиш куни ва вақтигача савдо ташкилотчиси томонидан оферталар қабул қилинади.

Таклифлар очилиши эълон матбуотда чоп этилгандан бошлаб 30 кундан кейин қуйидаги манзилда ўтказилади: ***Термиз шаҳри, А.Бакуменко кўчаси, 5-уй.***

Иқтисодиёт ва ислоҳот

ЗАМОНАВИЙ АЛОҚА ВОСИТАЛАРИ – ХАЛҚ ХИЗМАТИДА

«ЎЗБЕКТЕЛЕКОМ» АК «ФАРҒОНАТЕЛЕКОМ» ФИЛИАЛИ ФАОЛИЯТИДАН

Қадимий ва навқирон Марғилон шаҳри бу йил ўзининг 2000 йиллик юбилейини катта шодиёна билан нишонлашга пухта ҳозирлик кўрмоқда. Бинобарин, бутун дунё цивилизациясига беқиёс ҳисса қўшган, олам аҳлини доимий равишда лол қолдириб келаётган муаззам шаҳарда кейинги йилларда улкан бунёдкорлик ишлари бажарилди. Кўплаб қадимий обидалар тикланди. Буюк алломаларнинг мақбаралари таъмирланиб, муқаддас зиёратгоҳларга айлантирилди. Янги-янги кўчалар, уй-жойлар, ташкилот ва муассасаларнинг бинолари қадимий шаҳар ҳуснига ҳусн қўшмоқда.

Юбилей тантаналари эса тобора яқинлашмоқда. Шаҳардаги, бутун Фарғона вилоятидаги барча ташкилот ва муассасалар, минглаб фуқаролар ана шу ўзига хос байрамни муносиб кутиб олиш йўлида астойдил ҳаракат қилишмоқда. Табиийки шаҳар ҳаётини, аҳоли кундалик турмушини телефон алоқаси, ахборот ва коммуникация хизматларисиз тасаввур қилиш қийин.

1 Шу боис «Ўзбектелеком» акциядорлик компаниясининг «Фарғонателеком» филиали ходимлари зиммасига катта масъулият юкланмоқда. Тезкор, сифатли, замонавий алоқа тизимини яратиш, уни мустаҳкамлаш йўлида қандай ютуқларга эришиляпти?

Марғилон шаҳар телекоммуникация тармоқларида бир қанча реконструкция ва ривожлантириш ишлари амалга оширилди. Кўпгина АТСларда таъмирлаш ишлари бажарилди, янги кабеллар ўрнатилди. Айниқса, шаҳарда бунёд этилган маъмурий бино ва иншоотлар атрофидаги телекоммуникация объектларини, линия кабель хўжалигини тартибга келтириш мақсадида ҳашар уюштирилди. Шу йилнинг февраль, март ойларида Фарғона, Андижон ва Наманган вилоятларидан келган юз нафар алоқачи ходим бу ҳашарда фаол иштирок этди. Айни пайтда шаҳар алоқа тармоғи шай ҳолга келган.

Умуман олганда «Фарғонателеком» филиалида кейинги йилларда қатор ислоҳотлар ўтказилди. Айниқса, Хитой Халқ Республикасининг «Эксимбанк»и кредитлари асосида шаҳар ва туман марказларидаги эскириб қолган АТСлар белгиланган режа асосида янги рақамли АТСларга алмаштирилди. 2006 йил давомида вилоятнинг учта шаҳар ва 11 та туманидаги телекоммуникация боғланмаларида «HVAWEV» компаниясининг янги замонавий станциялари қурилди. Битта халқаро коммутация маркази ҳам фойдаланишга топширилди.

«Фарғонателеком» филиали 2006 йил давомида вилоят халқ хўжалиги ва аҳолисига жами 7 млрд. 164 млн. 412,8 минг сўмлик, ёки 2005 йилга нисбатан 1,21 баробарга кўп телекоммуникация хизматлари кўрсатди.

Аҳолига 3 млрд. 774 млн. 307,8 минг сўмлик ёки ўтган йилга нисбатан 652 млн. 582,9 минг сўмлик кўпроқ хизмат кўрсатилди. Ўтган йилга нисбатан ўсиш 1,25 баробарни ташкил қилди.

Электрон АТСларда қўшимча хизмат турларидан фойдаланувчи мижозлар сони 22668 донани (хизматлар сони 29568 та, 2005 йилда 18242 дона) ташкил қилиб, улардан олинган даромад 50 млн. 124 минг сўмни ташкил қилди (ўтган йили 13 млн. 306,9 минг сўм бўлган). Вақтбай усулида ишлаётган ЭАТСлардан қўшимча 728 млн. 10,0 минг сўм даромад олинди. Ўтган йили бу кўрсаткич 333 млн. 607,5 минг сўмга тўғри келди.

Жами дебитор қарздорлик миқдорининг бир ойлик даромадга нисбатан 2006 йил 1 январь ҳолатига 0,66 баробарни, 2007 йил 1 январь ҳолатига 0,53 баробарни ташкил қилди. 2006 йил якунига кўра, 38,6 млн. сўм соф фойда олинди.

2 2006 йил натижаларига кўра, 16 та сифат кўрсаткичларидан 15 таси бажарилди.

Йил давомида филиал боғланмалари раҳбарлари, мутахассислар ва оммавий касб эгалари режа асосида ўз малакаларини оширдилар. Жумладан, «Ўзбектелеком» АК «Инженер-техник маркази»да 13 нафар, Фарғона шаҳар фавқулодда вазиятлар бўлимида 2 нафар, Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар вазирлиги фуқаро муҳофазаси институтида саккиз нафар, филиал ўқув базасида 132 нафар ишчи-ходим ўқиб, малака оширди.

Филиал бўйича 2007 йил 1-чорак давомида вилоят халқ хўжалиги ва аҳолисига жами 1 млрд. 824,1 млн. сўмлик ёки ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 1,20 баробарга кўп телекоммуникация хизматлари кўрсатилди.

Электрон АТСларда қўшимча хизмат турларидан фойдаланувчи мижозлар сони 30544 донани ташкил қилиб, улардан олинган даромад 24,4 млн. сўмни ташкил қилди. Вақтбай усулида ишлаётган ЭАТСлардан қўшимча 214,2 млн. сўм даромад олинди. Ўтган йили бу кўрсаткич 117,8 млн. сўмга тўғри келганди.

Филиалда ўтган йил давомида ходимларнинг ўртача сони 1652 нафарни ташкил қилди. Ўртача битта ходимга бир ойда тўланган иш ҳақи миқдори 100343 сўмдан ошди.

«Ижтимоий ҳимоя йили» Давлат дастурини бажариш юзасидан чора-тадбирлар режаси ишлаб чиқилди. Ушбу режада йил давомида 39,0 млн. сўмлик харажатлар кўзда тутилган бўлиб, 1-чорак якуни бўйича 7 млн. 810,5 минг сўмлик харажатлар амалга оширилди. Жумладан, йил давомида 69 ёлғиз пенсионер ва ногиронларни телефон алоқаси билан таъминлаш режалаштирилган бўлиб, 1-чоракда 4 та кам таъминланган, ёлғиз пенсионер хонадонига филиал ҳисобидан бепул телефон нуқтаси ўрнатиб берилди.

Ҳозиргача «Фарғонателеком» филиали томонидан телекоммуникация боғланмаларининг 17 та станциясида 50654 сиғимга эга рақамли станция ўрнатилди. Айни пайтда бу станциялар сифатли ишлаб турибди. Натижада вилоят алоқа тармоғи барча боғланмалари етти хонали рақам тизимига ўтказилди. Қўшимча хизмат турларидан фойдаланиш йўлга қўйилди. Вилоятда коммуникация тармоқларини модернизациялаш, қайта қуриш ва ривожлантириш ишлари жадал бормоқда. Алоқа сифатини яхшилаш мақсадида 2007 йилда телекоммуникация тизимларини қайта жиҳозлаш ва STM-4, STM-16 алоқа узатиш қурилмаларини ишга туширишрежалаштирилган. 2007

3 йилда, шунингдек, вилоятнинг узоқ туман ва қишлоқларида мавжуд бўлган АТСларни рақамли АТСларга алмаштириш кўзда тутилган: Фарғона туманининг Шоҳимардон ва Чимён қишлоқларида, Олтиариқ тумани Ҳамза шаҳрида, Охунбобоев тумани Қорақўшчи қишлоғида, Фарғона шаҳрининг Ёрмозор ва Бешбола ҳудудларида янги рақамли АТСлар ишга туширилади. Вилоятда тезкор суръатларда замонавий коммуникация тизимлари ва халқаро интернет тармоғи ривожланиб бормоқда.

Жорий йилнинг май ойи охиригача Хитой Халқ Республикаси кредити асосида Фарғона туманининг Чимён қишлоғидаги АТС 1000 номерли рақамли станцияга ва Шоҳимардон қишлоғидаги АТС 500 номерли рақамли станцияга алмаштирилди. Олтиариқ туманининг Ҳамза шаҳарчасидаги АТС 2007 йилнинг 2-чораги охиригача рақамли станцияга, Охунбобоев туманининг Қорақўшчи қишлоғидаги АТС ҳам рақамли станцияга алмаштирилиши якунланди.

Фарғона туманининг Каптархона қишлоғидаги, Данғара туманининг Найманча қишлоғидаги, Фурқат туманининг Эшон қишлоғидаги, Қувасой шаҳрининг Чек-1 қишлоғидаги АТСлар «Коинот» ОАЖда ишлаб чиқарилган СГМ русумли рақамли станцияларга алмаштирилди ва яна 2007 йилнинг охиригача еттита тумандаги еттита қишлоқ АТСлари ҳам худди шундай СГМ русумли рақамли станцияларга алмаштирилиши режалаштирилган.

Фарғона вилоятидаги мавжуд 113 та қишлоқ АТСларининг барчаси 2011 йилгача рақамли станцияларга тўлиқ алмаштирилиши режага киритилган.

Ҳозирги кунда алоқачиларни қийин аҳволга солиб қўяётган муаммолардан бири шуки, ўтган йил давомида вилоят телекоммуникациялар боғланмалари линия кабель хўжалигида номаълум шахслар томонидан 310 марта кабель ўғирликлари содир этилган бўлса, жорий йилнинг 1-чорагида кабель ўғирликлари сони 196 тани ташкил қилди.

Шу кунларда филиал томонидан кабель ўғирликларининг олдини олиш мақсадида «Фан, техника ва маркетинг тадқиқотлари маркази»да ишлаб чиқарилган «Алоқа жиҳозлари ва кабелларни қўриқлаш электрон қурилмаси» сотиб олиниб, Қўқон шаҳар телекоммуникациялар боғланмасида татбиқ қилинмоқда. Бу ўз самарасини бермоқда.

Корхона ишчи-хизматчилари вилоят аҳолисига, муассаса ва ташкилотларга янада яхшироқ алоқа хизмати кўрсатишга интилмоқдалар.

4 **Шоҳайдар МИРҲАБИБОВ,**
Мирбахтиёр МИРФАЙЗИЕВ,
«Ўзбекистон овози» мухбирлари.

ГЎЗАЛЛИК ВА НАФОСАТ

БАЙРАМИ

Наманган шаҳрида ўтказилган «Тўмарис аёллар» спорт фестивалида Қорақалпоғистон республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳридан 364 нафар иштирокчи спортнинг волейбол, стритбол, енгил атлетика, стол тенниси, шоҳмот, сузиш турлари ва арқон тортиш бўйича ўзаро баҳс юритдилар.

Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси, Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси ҳамкорлигида ўтказилган мазкур фестиваль ҳақиқий байрам тусини олди.

Сурхондарёлик Хосият Ашурова, Елена Алимбекова, жиззахлик Малоҳат Алиматова, тошкентлик Марина Попова, Азиза Расулова, наманганлик Муҳаббат Кандакова, Тамилла Вафоевалар ғолиблар қаторидан жой олишди. Биз фестиваль иштирокчиларининг фикр-мулоҳазалари билан қизиқдик.

Зебохон НУРИДДИНОВА: — Бухоро вилоятининг Қоракўл тумани «Қозон» қишлоқ фуқаролар йиғинида яшайман. Уй бекасиман. Ёшим 57 да. Фестивалда шоҳмот бўйича иштирок этдим. Олдиндан республика миқёсидаги мусобақаларда қатнашмагандим. «Тўмарис аёллар» спорт фестивали бизга ана шундай имкон берди. Қаранг, бир оддий қишлоқ аёли шу ёшга кириб, Наманганга келиб, нуфузли мусобақада қатнашаман, деб сира ўйламагандим. Шоҳмотга болалигимдан қизиқаман. Мусобақаларда андижонлик Мавжуда Каримова, қорақалпоғистонлик Айна Тўраеваларга қарши дона суриш билан биргаликда улар билан дугона бўлиб қолдим.

Зилола РАҲМОНОВА: — Қашқадарёликман. Фестиваль ташкилотчиларидан беҳад мамнунман. Спорт нафақат жисмоний балки, маънавий жиҳатдан ҳам соғломлаштиради, деган қатъий фикрга келдим. Чунки мусобақа давомида ўзимдаги имконият нечоғли эканини яна бир бор ҳис этдим.

Наргиза МАДУМАРОВА, Андижон вилояти: — Фестивали ўтказиш учун пухта тайёргарлик кўрилгани мени хурсанд қилди. Барча иштирокчиларга, Наманганнинг меҳмондўст, ширинсўз кишиларига чин юрақдан ташаккур билдираман.

Фестиваль якунида иштирокчилар ташкилотчилар томонидан муносиб тақдирландилар. Жумладан, «Шоҳмот маликаси», «Ғалабага бўлган иродаси учун», «Энг ёши улуғ иштирокчи», «Энг чиройли партияси учун» сингари ўнлаб номинациялар бўйича ғолиблар аниқланди.

Фестивалнинг тантанали ёпилиш маросимида Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари, республика Хотин-қизлар қўмитаси раиси С.Иномова иштирок этди.

Носиржон ДЕҲҚОНОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.
Муҳаммад АМИН (ЎзА) олган сурат.

AFC ASIAN CUP 2007 7-29 July INDONESIA THAILAND VIETNAM

ОЛДИНДА ҲАЛ ҚИЛУВЧИ УЧРАШУВ

ЭРТАГА ЎЗБЕКИСТОН — ХИТОЙ ТЕРМА ЖАМОАЛАРИ УЧРАШУВИДА ФАҚАТ ҒАЛАБАГИНА ҲАМЮРТЛАРИМИЗНИ КЕЙИНГИ БОСҚИЧГА ОЛИБ ЧИҚАДИ

Ҳал қилувчи паллага кириб бораётган XIV Осиё чемпионати гуруҳ босқичи баҳсларининг иккинчи тур ўйинлари ҳам мухлисларга бир қатор қутилмаган натижаларни тақдим этди. Жумладан, мусобақа олдидан етакчилар қаторида тилга олинган Австралия вакилларининг Ироқ (1:3), Жанубий кореяликларнинг эса қутилмаганда Баҳрайн (1:2) терма жамоаларига ютқазганликлари кўпчиликни ажаблантирди.

Чемпионатнинг «С» гуруҳида иштирок этаётган Ўзбекистон миллий терма жамоаси иккинчи турда мусобақа мезбонларидан бири — Малайзия футболчиларига қарши майдонга тушди. Қутилганидек, ҳамюртларимизнинг тўлиқ устунлигида ўтган мазкур учрашувда малайзияликлар ўз дарвозаларидан жавобсиз 5 та тўп олиб чиқдилар. Ҳозирча чемпионатнинг энг йирик ҳисоби қайд қилинган ушбу баҳсда тўпларни Максим Шацких (иккита), Улуғбек Баҳоев, Тимур Копадзе, Азиз Ибрагимовлар киритишди.

Гуруҳдаги иккинчи ўйин Хитой — Эрон терма жамоалари ўртасида бўлиб ўтди. Гарчи, унда дастлаб хитойликлар 2:0 ҳисобида олдинга чиқиб олишган бўлса-да, ўтган турда мағлубиятни ғалабага айлантира олган Эрон футболчилари иккинчи бўлимда ўртадаги фарқни йўққа чиқарди. Ўйин 2:2 ҳисобидаги дуранг билан якунланди.

Иккинчи турдан кейин «С» гуруҳдаги вазият:

	Ў	Ю	Д	М	Т-Н	О
1. Хитой	2	1	1	0	7-3	4
2. Эрон	2	1	1	0	4-3	4
3. Ўзбекистон	2	1	0	1	6-2	3
4. Малайзия	2	0	0	1	1-10	0

Учинчи турда мамлакатимиз футболчилари Хитой терма жамоасига қарши тўп суришади. 18 июль куни бўладиган мазкур ўйинда вакилларимизнинг кейинги босқичга чиқишлари учун фақат ғалаба зарур бўлади. Агар ортга назар ташласак, футболчиларимиз Хитой терма жамоаси билан Осиё чемпионати баҳсларида илгари бир маротаба рўбарў келган. 1996 йили БААда уюштирилган ана шу ўйин ҳамюртларимизнинг ишончли ғалабаси билан тугаган эди — 2:0. Навбатдаги турда Эрон терма жамоаси гуруҳ аутсайдери Малайзия вакилларига қарши майдонга тушади.

Кеча эса мусобақанинг учинчи тур баҳсларига старт берилди ва чорак финалга йўлланма олган тўртта терма жамоа номи маълум бўлди: Таиланд — Австралия — 0:4, Уммон — Ироқ — 0:0.

Шунингдек, кеча «В» гуруҳида ўтказилган баҳслар қуйидагича якунланди: Вьетнам — Япония — 1:4, Қатар — БАА —1:2.

Шундай қилиб, эртага бўладиган учрашувларда Малайзия — Эрон, Ўзбекистон — Хитой, Индонезия — Жанубий Корея, Саудия Арабистони — Баҳрайн терма жамоалари ўзаро куч синашадилар.

«А» гуруҳининг якуний жадвали:

1. Ироқ	3	1	2	0	4-2	5
2. Австралия	3	1	1	1	6-4	4
3. Таиланд	3	1	1	1	3-5	4
4. Уммон	3	0	2	1	1-3	2

«В» гуруҳининг якуний жадвали:

1. Япония	3	2	1	0	8-3	7
2. Вьетнам	3	1	1	1	4-5	4
3. БАА	3	1	0	2	3-6	3
4. Қатар	3	0	2	1	3-4	2

Эркин ХОЛБОБО.

Мен англаган ҳақиқат

ОРЗУ ВА МЕҲНАТ

ФИКР ТАНБАЛЛИГИ

Инсон орзуларининг чеки чегараси йўқ. У хаёлан осмондаги ойни забт этса, кўнгли юлдузларни қўлга киритмоқни истайди. Ҳар бир ният, истак аслида шу фикри ожизимизнинг маҳсули. Орзуларимизнинг сарҳади ҳам айнан шуурримизнинг кенгликларига боғлиқ.

Орзулар бизни бир лаҳза бўлсин фикрлашдан тўхтатмайди: янги-янги ғоялар, режалар, мақсадлар сари бошлайди. Бироқ бу ниятга етишиш учун фақат фикрнинг ўзи етарли эмас, унга меҳнат, ҳаракат ва тажриба ҳам эш бўлмоғи лозим. Баъзида бироз дангасалигимиз, ҳафсаласизлигимиз боис мақсадларимиздан воз кечишга мажбур бўламиз. Одам боласининг меҳнатсеварликдан кўра, дангасаликка, фикр танбаллигига берилиши осон. Мана бир мисол, шоҳмотда омади юришмайроқ турган кишига вазиятдан чиқиш йўлини ўргатиб юбордингиз, дейлик. Энди у бутунлай фикрлашдан тўхтаб, сизнинг кўмагингизга суяниб қолади. Натижада эса бошлаган бу ишингизни ўзингиз ниҳоясига етказишга мажбур бўласиз.

Стоматологларнинг таъкидлашича, агар одам қаттиқ нарсалар (масалан, қотган нон)ни истеъмол қилиб турмаса, тишлар ўтмаслашиб, мўрт бўлиб қоларкан. Менимча, одамзот ақли ҳам шундай. У мураккаб масалалар, муаммолар билан жиддий шуғулланмас экан, бекорчи ўйлар машинасига айланиб қолади.

УЧ ҲАҚИҚАТ

Ҳар қандай орзуманд киши ўз мақсадига етишиш учун албатта осон йўлдан боришни маъқул кўради.

Бир донишманд шундай деган экан: «Бекорчилик кишини беҳуда хаёлларга олиб боради, беҳуда хаёллар эса кишининг осойишталигини бузади». Дарҳақиқат, баъзан қўли ишга бормайдиган одамнинг орзулари осмон қадар бўлади. Орзуга айб йўқ, дейдилар, лекин меҳнат бахт келтиради, деган гап борлигини ҳам унутмаслигимиз керак.

Улуғ адибимиз Абдулла Қаҳҳор айтганидек, ким қандай яшаса, шундай ўйлайди. Бирдан бойиб кетишни истаган кишиларнинг аксарияти ғойибдан катта пул ютиб олишга умидвор бўлади. Ваҳоланки, киши астойдил меҳнат қилса, кучини, ақлини эзгу ишлар учун сарфласа, ўша ютуқни лотереясиз ҳам қўлга киритиши мумкин-ку! Шу ўринда донишмандларнинг яна бир фикрини келтириш жоиз: «Меҳнат инсонни уч балодан сақлайди: юрак сиқилишидан, ахлоқий бузилишдан, муҳтожликдан».

БОШҚОТИРМА

«...Тузган бошқотирмаларингизга тиш ўтмайди, — деб қолди бир танишим норози оҳангда. — Газеталардаги бошқа кроссвордларни ўн дақиқада ечиб ташлайман. Сизникини негадир ҳеч тополмайман».

Бу гапдан кейин бир нарсани ўйлаб қолдим. Бугун «сариқ матбуот»даги бошқотирмалар, олдиқочди мақолалар ўқувчига нима бераяпти? Ўзингиз ўйланг, «эчкининг эри», «афандининг «их-24»и» ёки «бева муддати» каби чучмал бошқотирмаларни билиш билан одамнинг фикр доираси кенгайиб қоладими? Аслида газеталарнинг ўқувчилар сонини кўпайтириш мақсадида қилинган бу «топилма»си кишиларни фикрий танбалликка бошламаяптими?! Менимча, бу «бошқотирма»лар билимимизни бўшаштиришдан, ақлимизни чалғитишдан бошқасига хизмат қилмайди.

«...ҚИЗИҚМАЙМАН»

Бу гапни кўп эшитамиз. Одамлар жам бўладиган жойда суҳбат мавзуси кўпинча сиёсат, халқаро аҳвол тўғрисида бўлади. Бундай пайтда кимнинг фикри теран, кимнинг кузатишлари ўткирлиги яққол кўзга ташланиб қолади. Сабаби, сиёсатнинг асл моҳияти ҳақида ҳамма ҳам узил-кесил фикр айта олмайди. Бунинг учун кишида тафаккур ва ҳаётий кузатувчанлик бўлиши лозим.

Шундай пайтларда «сиёсатга қизиқмайман» деб бу баҳс-мунозарадан ўзини четга олувчи бир тоифа кишилар ҳам бўлади. Ҳатто уларнинг айримлари атрофимизда бўлаётган ишлар, янгиланишларни ҳам чуқур англаб етмайдилар, эскича қарашларига содиқ бўлиб қолаверадилар. Бу одамлар бошқаларнинг ҳам руҳиятига таъсир ўтказишга, ўз «ғоя»ларига ишонтиришга уринадилар. Энг ачинарлиси, шу хатти-ҳаракатлари билан кимларнингдир ноғорасига ўйнаётганларини, ўзгаларнинг манфаати учун кўр-кўрона хизмат қилаётганларини, уларнинг соясига айланиб қолаётганликларини билмайдилар.

Абдураззоқ МУРОДОВ,
Қашқадарё вилояти.

Сирли олам

ҲАРОРАТНИНГ ГЛОБАЛ КЎТАРИЛИШИ

ҚУЁШГА БОҒЛИҚ ЭМАС

Сунъий йўлдошлар ёрдамида Қуёш фаоллигини ўлчаш натижалари шуни кўрсатмоқдаки, Қуёш фаоллиги ўтган асрнинг 80-йилларидан бошлаб сустлашган. Демак, хулоса қилиш мумкинки, сайёрамиздаги иқлим ўзгаришларига, айниқса, ҳароратнинг глобал кўтарилишига Қуёшнинг ҳеч қандай алоқаси йўқ. Буюк Британиянинг Резерфорд манзилидаги Эпплтон лабораторияси олими Майк Локвуд ҳамда Швейцариядаги Бутунжаҳон радиацияни ўрганиш маркази мутахассиси Клаус Фрёлих бир неча йиллик илмий кузатувлардан сўнг шундай хулосага келдилар. Олимлар Қуёш фаоллигини кузатиш бўйича кейинги 40 йиллик маълумотларни таҳлил қилиб чиқдилар.

— Таҳлил натижаларига қараганда, — дейилади «Комсомолская правда» нашрида чоп этилган хабарда, — 1985 йилдан бошлаб Қуёш фаоллиги пасая бошлаган. Агар Қуёш Ердаги иқлимнинг глобал ўзгаришларига сабабчи бўлганда эди, ҳозир сайёрамизда иқлимнинг совиши кузатилаётган бўларди. Негаки, Қуёш фаоллиги сусайган. Сайёрамизда эса аксинча ҳарорат бир неча йиллардан бери кўтарилиб бормоқда.

Қуёшдаги доғлар 1960 ва 1985 йилларда ўзининг энг юқори чўққисига кўтарилгани кузатилган. Шундан сўнг унинг частоталари қисқара бошлаган. Дастлаб дунёнинг кўпгина олимлари Қуёшдаги доғларнинг кўпайиши Ердаги иқлим ўзгаришларига таъсир этмоқда, деб ўйлаганлар. Бироқ бошқа бир илмий фаразлар ҳам борки, унга кўра, самовий нурларнинг кўпайиши булутлар ҳосил бўлишига замин яратади. Булутлар кўпайиши эса Ерда иқлим совишини келтириб чиқаради.

Мулоҳаза

ЁР-ЁР АЙТГАН ЭРКАКЛАР

«Бугунги тўйларга ёр-ёр керакми? Аёлларимиз бу қадим ўланни айтишни билишадими?» Ишонаман: «Албатта керак, ахир ёр-ёр миллий урф-одатимиз-ку!» дейди кўпчилик

Яқинда бир дугонам қизини узатди. Автобус тўла хотин-халаж келинни кузатиб, йўлга отландик. Ҳайдовчи ҳам магнитафонида шўх бир қўшиқни қўйиб юборди. Кейин карнай, сурнай, доира, ноғорачи қарсбадабанг чаляпти, ёшлар ўйин-кулгу қилишяпти. Орамиздаги ёши улуғроқ меҳмон, қўқонлик Муҳаббатхон ая: «Тўйнинг файзи ёр-ёр-ку, қани, бошладик» деди. Қий-чув таққа тўхтади, аёллар сал бесаранжом бўлиб бир-биримизга қарадик. «Ёр-ёр биласизми?», «Сиз бошланг, биз оп кетамиз, қани?» Каловланиб турдик, биров тоғдан келиб бир қатор сўз айтади, жўр бўлолмаймиз, биров боғдан, адоғидан айтади.

Бизларни хижолатпазликдан ўрта яшар, доирачи эркак қутқарди. У доирани бир маромда чертиб, шундай ёр-ёр айта бошладики, бизлар нафас ютиб қолдик. Сўнг унга жўр бўлиб тўйхонага кириб бордик.

Тўй барибир тўй-да, бир пасда аёлларнинг кўнглига шодлик, кўтаринки кайфият югурди. Доирачини гапга солганимда: «Нима қипти эркаклар ёр-ёр айтса» деб оғринса керак, деб ўйловдим. Йўқ, «Эл хизматида юриб кўп кузатаман, очиғи, ҳозирги аёлларимиз халқона қўшиқлару, ўланлапарларни деярли билишмайди...» деганди, мен ҳам қўшиб қўйдим: «Ҳатто оддийгина ёр-ёрниям-а?» Доирачи: «Сиз ёр-ёрни оддийгина деб жуда беписанд гапиряпсиз, ҳамма бало шунда. Ёр-ёр халқимизнинг қадимий, юракнинг тубтубидан сизиб чиқувчи муқаддас қўшиғи-ку!» деди қизишиб.

...Тўйнинг шукуҳидан қанча шодланмай, юрагимнинг бир чети ғашлигича қоларди. Доирачининг гапларини тарозуга солиб кўра бошладим. Унинг «тирикчилик учун ёр-ёр айтмайман, миллий урф-одатларимизга беписандликдан эзиламан», деган мулоҳазасида жон бор эди. Аксарият келин тўйлар ёр-ёр билан бошланиб, ёр-ёр билан тугайди.

Ана, чин муҳаббат ришталарини боғлаган икки ёшга яхши тилаклар, ёруғ бахтлар тиланган тўй ҳам охирлади. Хонанда ёр-ёри билан келин-куёвни ғўшангага кузатиб қолдик...

Яна ўша автобусда уйга қайтдик. Энди бўлса ҳамма хотин-халаж, ёш-яланг тўй кайфиятида яна қий-чув билан ҳайдовчи қўйиб берган бошқа бир ажнабий мусиқага ўзимизча тебрана бошладик. Дунё эстрадаси «қироли» Майкл Жексон куйлаган қўшиққа ўзимиз билиб-билмай жўр бўла бошлаганимизни сезмай қолдик. Хонанда нима деяётганини билмайманку, лекин назаримда ёш яланглар «Она бола тараканг, уйимизда боракан» деб куйлаётгандек туюлди. Лабларим беихтиёр уларга қўшилиб шуни такрорларди. Кейин Шакира, Мадонна, ЖейЛо, Бионнсе... қўшиқларига балодай қўшилиб, жўр бўлдик. Ёш қизлар эса... завқ билан рақсга тушишарди.

Балки бугун ўша куни ҳалиги доирачи йигит айтган ёр-ёр баъзи аёлларнинг хотиридан аллақачон кўтарилиб ҳам кетгандир. Ёки бўлмаса бир гуруҳ аёллар тузукроқ ёр-ёр айтолмагани балки жиддийроқ бош қотиришга арзимас. Лекин барибир кишини ўйлантириб қўядиган ҳақли саволлар туғилади: Хўш, нега бугун биз, бири қиз узатган, бошқаси келин олган зиёли қайноналар момоларимиз суйиб айтиб келган тўрт қатор ёр-ёрни наҳот айта олмасак? Аслида биз қизларимизга ўрнак бўлишимиз керак эмасми? Ёки ўз ўқувчисига 45 дақиқа миллий тарбия, миллий урф-одатларимиз ҳақида истаганча тушунча бера оладиган ўқитувчи аёл, она жилла қурса ўзи ёр-ёр айтса сира уятли бўлмас.

Бу билан мен эркаклар эмас, фақат аёллар ёр-ёр айтсин, демоқчи эмасман. Лекин миллий урф-одатимизга кўра, эркаклар келин узатиб бормайди. Ҳатто ўлан ёки ёр-ёр айтувчилар ҳам қадимда аёллар бўлишган. Фақат созандалар жўр бўлишган. Шу боис ҳар бир ишнинг ўз устаси, ҳар қандай халқона қўшиқнинг ўз ижрочиси бўлмоғи кераклигини айтмоқчиман, холос. Барибир гап айланиб, яна маҳаллакўйларга, қолаверса, хотин-қизлар қўмиталари фаолиятига бориб тақалади. Чунки юртимизда маҳаллалараро «Алла», «Энг яхши келин», «Намунали хонадон» кўриктанловлари мунтазам ўтказиб келинмоқда. Ва бу тадбирлар баҳонасида қанчадан-қанча халқчил ашула ва лапарлар, қолаверса, унутилган қадриятлар тикланмоқда. Энг муҳими, ана шундай удумларни эл орасида, улус орасида кўпроқ ёйсак, тарғиб этсак, эртага бизнинг ортимиздан келаётган фарзандларимиз ҳам бундай бой меросимизнинг қадрига етади, ардоқлайди.

Саида САЙХУН.

O'zbekiston havo yo'llari
TOSHKENT XALQARO AEROPORTI

Вниманию всех заинтересованных лиц!

Руководство Государственного Унитарного предприятия «Международный аэропорт «Ташкент» имеет потребность в приобретении большого аэропортового автобуса с низким уровнем пола.

Желающих предложить свои услуги, просим прислать по адресу: 100167 г. Ташкент, ул. Садыка Талипова, 13, Зам. директора аэропорта по НС Ким В.С. заявку на получение тендерной документации. В заявке указать желаемый для Вас способ пересылки документов (почта, факс, электронная почта) и указать соответствующие адреса и телефоны.

Дополнительную информацию можно получить по телефонам: 8-10-998712-553262, 8-10-99871-1402954, спросить Семена Аркадьевича.

ООО «LANTICH»
СООБЩАЕТ ОБ УМЕНЬШЕНИИ УСТАВНОГО ФОНДА С 2 382 565 643 СУМ НА 2 376 065 643 СУМ.
ПРЕТЕНЗИИ ПРИНИМАЮТСЯ ПО ТЕЛЕФОНУ: 173-61-33

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги суд-тиббий экспертиза Бош бюроси жамоаси суд-кимё бўлими мудири Илҳомжон Аҳмеджановга онаси **Матлюба АҲМЕДЖАНОВА**нинг вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

BOSH MUHARRIR:
Safar OSTONOV

TAHRIR HAY'ATI:
Abdulla ORIPOV
Latif G'ULOMOV
Asliddin RUSTAMOV
Bobir ALIMOV
Sharbat ABDULLAYEVA
Turobjon JO'RAYEV
Feruz NAZIROV
Murodulla ABDULLAYEV
Ulug'bek MUSTAFOYEV
Norqobil JALIL (Bosh muharrir o'rinbosari)
Abdurasul JUMAQUL (Bosh muharrir o'rinbosari)
Muslihiddin MUHIDDINOV
Nomoz SA'DULLAYEV
Svetlana GERASIMOVA
Andrey KUSTOV
Ochilboy RAMATOV
Saidahmad RAHIMOV

MUASSIS:
O'ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI MARKAZIY KENGASHI

BO'LIMLAR:
Partiya hayoti 133-10-13
Ma'naviyat va ma'rifat 133-69-45
Ijtimoiy hayot va iqtisodiyot 133-20-36
Huquq 136-76-21
Ekologiya va salomatlik 133-44-55
Axborot, sport va harbiy vatanparvarlik 133-21-43
Xatlar va ommaviy ishlar 133-12-56 (Tel. Faks)
Mas'ul kotib 133-72-83
Reklama va e'lonlar 133-38-55, 133-47-80

VILOYAT MUXBIRLARI:
Andijonda — 25-32-70
Buxoroda — 222-10-92
Gulistonda — 25-22-32
Jizzaxda — 5-49-85
Navoiyda — 223-83-73
Namanganda — 6-43-43
Nukusda — 222-70-15
Samarqandda — 35-20-54
Urganchda — 226-51-35
Farg'onada — 26-43-62
Termizda — 223-79-98

MANZILIMIZ:
700000, TOSHKENT, MATBUOTCHILAR KO'CHASI, 32-UY.
e-mail: info@uzbekistonovozi.uz

Navbatchi: Ravshan SHODIYEV

Gazeta «O'zbekiston ovozi»ning kompyuter markazida terildi va sahifalandi.

Sahifalovchi-dasturchi: Sobirjon TUNG'ATOV

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi.
Korxona manzili: Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy.

Gazeta O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0006-raqam bilan 2007 yil 11 yanvarda ro'yxatga olingan.
Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi 2 bosma taboq.
Gazeta seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi.

«O'zbekiston ovozi» materiallarini ko'chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.

F — 649
8578 nusxada bosildi
t — Tijorat materiallari
O'zA yakuni — 21.20
Topshirilgan vaqti — 23.30
1 2 3 4 6
Sotuvda erkin narxda